

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAҲKAMASINING  
ҚАРОРИ

**339** Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикасининг «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида» 2012 йил 26 апрелдаги ЎРҚ–327-сон Қонуни)

Ўзбекистон Республикасининг «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида» 2012 йил 26 апрелдаги ЎРҚ–327-сон Қонунига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2012 йил 19 июль,  
225-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2012 йил 19 июлдаги 225-сон қарорига  
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига  
киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 июлдаги 327-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1999 й., 7-сон, 35-модда) билан тасдиқланган Молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган ва қонунчиликда белгиланган муддатларда ўзларининг устав жамғармаларини шакллантирмаган корхоналарни тугатиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 1.3-бандида:

қуйидаги мазмундаги тўртинчи хатбоши қўшилсин:

«оилавий корхонада ягона қатнашчи қолиши»;

тўртинчи хатбоши бешинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги 357-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 8-сон, 72-модда) билан тасдиқланган Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш, ҳисобга қўйиш

ва рухсат берувчи хужжатларни расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 11-банднинг иккинчи хатбошидаги «таъсис шартномаси ва устав» сўзларидан кейин «оилавий корхона» сўзлари қўшилсин:

б) қуйидаги мазмундаги 72<sup>1</sup>-банд қўшилсин:

«72<sup>1</sup>. Оилавий корхона раҳбари алмашган, қатнашчи оилавий корхона таркибига ихтиёрий равишда кирганда (унинг таркибидан чиққанда), эр-хотинлар ўртасидаги никоҳ бекор қилинган ёки оилавий корхона қатнашчиси вафот этган тақдирда ва бу ҳолатлар оилавий корхона балансига берилган, оилавий корхона қатнашчилари мол-мулки рўйхати ўзгартиришга олиб келганда таъсис шартномасига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилади. Бунда оилавий корхона таъсис хужжатларига киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларни давлат рўйхатидан ўтказиш талаб қилинмайди»;

в) Низомга 1-илованинг I бўлимига «хусусий корхона» сўзларидан кейин «оилавий корхона» сўзлари қўшилсин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 11 октябрдаги 439-сон қарори билан тасдиқланган Кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектларига тегишли бўлган корхоналар ва ташкилотлар классификациясига қуйидаги мазмундаги изоҳ қўшилсин:

«Изоҳ: белгилаб қўйилсинки, оилавий корхонанинг ўртача йиллик қатнашчилари сони камида икки нафарни ташкил этади».

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Оилавий тадбиркорликни ва ҳунармандчилик фаолиятини ривожлантириш ва кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2009 йил 29 июлдаги 216-сон қарориди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2009 й., 7-сон, 58-модда):

а) қарор номи қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Юридик шахс ташкил этмасдан оилавий тадбиркорликни ҳамда ҳунармандчилик фаолиятини ривожлантириш ва кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»;

б) 2-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«2. Юридик шахс ташкил этмасдан оилавий тадбиркорликни ва ҳунармандчилик фаолиятини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин»;

в) Низом номи қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Юридик шахс ташкил этмасдан оилавий тадбиркорликни ва ҳунармандчилик фаолиятини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низом»;

Низомда:

1-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасида юридик шахс ташкил этмасдан оилавий тадбиркорликни ва ҳунармандчилик фаолиятини амалга ошириш тартибини белгилайди»;

14-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«14. Оилавий тадбиркорликда ёки ҳунармандчилик фаолиятида қатна-

шаётган 16 ёшдан 18 ёшгача бўлган шахслар учун бир ҳафтада 36 соатлик, 15 ёшдан 16 ёшгача бўлган шахслар учун эса — бир ҳафтада 24 соатлик иш вақтидан ошмаслиги лозим»;

17-бандда:

қуйидаги мазмундаги бешинчи хатбоши қўшилсин:

«ўқувчиларга тегишли мукофотлар тўлаш»;

бешинчи ва олтинчи хатбоши тегишли равишда олтинчи ва еттинчи хатбоши деб ҳисоблансин.